

№01-07/13
3.10.2022 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
“Ўзархив” агентлиги
директори, Ҳайъат раиси



У.М. Юсупов

2022 йил 3 октябрь

**“Ўзархив” агентлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши
13-сон БАЁНИ**

2022 йил 3 октябрь

Тошкент ш.

Раислик қилувчи:

У.М.Юсупов

“Ўзархив” агентлиги директори, Ҳайъат
раиси

Қатнашдилар:

Ш.Садиқов, Ҳ.Исаев,
Д.Кучарова, А.Маманазаров,
Д.Закирова

“Ўзархив” агентлиги Ҳайъати аъзолари

Таклиф қилинганлар:

Ж.Хушвақтов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси бош мутахассиси

КУН ТАРТИБИ:

I. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари бўйича 2022 йил III чорак учун фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида (У. Юсупов, Ш. Садиқов, Ҳ. Исаев).

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 23 сентябрдаги 597-сон қарори ижросини мақсадли ўрганиш тўғрисида (Ш. Садиқов, Н. Анаркулова).

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Архив иши ва иш юритиш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 19 мартдаги 174-сон қарори ижросини мақсадли ўрганиш тўғрисида (У.Юсупов, Ш.Хожибоев).

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида қарор қилинди:

I. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари бўйича 2022 йил III чорак учун фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида

(У.М.Юсупов, Ж.Хушвақтов, Ш.Ф.Садиков, Х.Н.Исаев, Ш.Э.Хожибоев, Д.Л.Кучарова, А.А.Маманазаров, Д.Т.Закирова, У.М.Юсупов)

“Ўзархив” агентлиги директори У.Юсуповнинг Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари бўйича фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида ахбороти, хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вазирликлар, давлат кўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 22 июлдаги ПҚ-5189-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар, давлат кўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарори қабул қилинганлиги;

мазкур қарорларга мувофиқ:

а) вазирликлар, давлат кўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг эътибори уларга Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан ҳамда ўзларининг биринчи раҳбарлари томонидан юклатилган вазифаларни бажаришда сусткашликка, сансоларликка йўл қўйиб бўлмаслигига қаратилиши;

б) вазирликлар, давлат кўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида шахсан жавобгарлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобдорлиги;

в) қуйидагиларни назарда тутувчи давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолиятини баҳолаш тизими жорий этилиши белгиланганлиги:

давлат бошқаруви органлари ва давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланиши;

ҳар йили ижро интизомининг аҳоли юзасидан баҳо беришни назарда тутган ҳолда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичлари давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг коллегиял органлари томонидан ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари статистик ва идоравий ҳисоботлар ҳамда таҳлилий маълумотлар асосида тизимли мониторинг қилиниши;

мониторинг натижалари асосида раҳбарлар ўринбосарларининг фаолияти танқидий таҳлил асосида тегишли давлат бошқарув органлари коллегиял органи ва хўжалик бирлашмаларининг кузатув кенгашларида ҳамда Вазирлар Маҳкамасида ҳар чорак якуни бўйича муҳокама қилиб борилиши;

баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари асосида ҳар бир раҳбар ўринбосари фаолиятига баҳо бериш орқали уларга рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилиши;

г) вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланганлиги;

д) жорий этилаётган давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш тизими 2021 йил якунига қадар эксперимент тарзида амалга оширилиши белгилаб берилганлиги;

е) вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари тасдиқланганлиги;

ё) давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари фаолияти ҳар чорак якуни бўйича коллегиял орган йиғилишида танқидий муҳокама қилинади ҳамда баҳоланиши, бунда, раҳбар ўринбосарлари томонидан фаолият кўрсаткичлари ижроси:

70 фоиздан кам таъминланганда — “қониқарсиз”;

71 фоиздан 90 фоизгача — “қониқарли”;

91 фоиздан 99 фоизгача — “яхши”;

100 фоиз ва ундан юқори бўлганда “аъло” деб баҳоланиши маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги масала бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида Агентлик Ҳайъати қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари юзасидан тасдиқланган кўрсаткичларининг 2022 йил III чорак бўйича бажарилиши **иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

2. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари юзасидан тасдиқланган кўрсаткичларининг 2022 йил III чорак бўйича бажарилишидан келиб чиққан ҳолда, директор ўринбосарларининг умумий самарадорлик кўрсаткичлари III чорак бўйича Ш.Садиков — **103,4** фоизни ташкил этиб “аъло” ва Х.Исаев — **100,7** фоизни ташкил этиб, “аъло” деб баҳолансин.

3. Агентлик директори ўринбосарларининг эътибори уларнинг ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида шахсан жавобгар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобдор эканлигига қаратилсин.

4. Агентлик директори ўринбосарлари мазкур баён билан тасдиқланган фаолият кўрсаткичлари ижроси бўйича ҳар ой якуни билан оммавий ахборот воситалари орқали ахборот берилишини таъминласинлар.

5. Мазкур баён ижросини таъминлаш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирлар, шу жумладан, Агентлик директори ўринбосарлари фаолияти кўрсаткичларининг бажарилиши ҳолатини ҳар ой якуни бўйича оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш, Агентлик Ҳайъати йиғилиши материалларини тайёрлаш Агентликнинг Архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан давлат назорати бўлими зиммасига юклансин.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 23 сентябрдаги 597-сон қарори ижросини мақсадли ўрганиш тўғрисида

(У.М.Юсупов, Ж.Хушвақтов, Ш.Ф.Садиков, Х.Н.Исаев, Н.У.Анаркулова, Д.Л.Кучарова, А.А.Маманазаров, Д.Т.Закирова, У.М.Юсупов)

“Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиковнинг 2022 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 23 сентябрдаги 597-сон қарори ижросини мақсадли ўрганиш тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармонида асосан 2021 йил 1 июндан бошлаб пенсияларни тайинлашда шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисоблаш белгиланган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ-6191-сон Фармонида асосан 2021 йил 1 июндан бошлаб давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат ташкилотлари ва муассасалари томонидан аҳолидан, шу жумладан тадбиркорлик субъектларидан:

меҳнат дафтарчалари ва уларнинг нусхалари (фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида ушбу ҳужжатни “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали олиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда сўраш бундан мустасно);

иш ҳақи ва иш стажини, олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқловчи архив маълумотномалари (фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида ушбу ҳужжатни “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали олиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда сўраш бундан мустасно) талаб қилиш бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 майдаги ПҚ-5102-сон қарори 1-банди “б” кичик банди биринчи хатбошисида давлат пенсияларини тайинлаш ЯММТ ИДАКга киритилган электрон маълумотлар асосида амалга оширилиши, бунда, меҳнат стажи, иш ҳақи, олий таълим муассасаларидаги ўқиш ҳамда ҳарбий хизмат даври тўғрисидаги ҳужжатлар

Пенсия жамғармаси томонидан ЯММТ ИДАКдан фойдаланган ҳолда электрон маълумотлар алмашинуви асосида олинishi белгиланган.

Бироқ, аксарият фуқароларнинг меҳнат дафтарчалари йўқолганлик ҳолатлари мавжудлиги ушбу ҳолат бўйича қонунчиликда тартиблар ёки ечимлар белгиланмаган ва ўз навбатида қонунчиликдаги бўшлиқни вужудга келтириб чиқарди.

Таҳлил натижаларига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 сентябрдаги 597-сон қарори қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдирган ҳолда, архив соҳаси фаолиятида ўз самарасини бериб келмоқда ҳамда жисмоний шахслар томонидан ортиқча ҳаракат ва харажатларга чек қўйилди.

Хусусан, мазкур қарорга мувофиқ, “Ўзархив” агентлиги томонидан электрон хизматларни жорий қилиш бўйича техник ҳужжатлар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига тақдим этилди ва ушбу техник ҳужжатларга асосан яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлаш бўйича ва мавзули сўровларни ижро этиш бўйича давлат хизматлари, шунингдек қўшимча тўлов эвазига мавзули сўровлар давлат хизматининг тезлаштирилган тартибда хизмат кўрсатиш Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жорий этилди.

Бугунги кунда, давлат архивлари томонидан ушбу хизматлар тўлиқ Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиб келинмоқда.

Таҳлил натижаларига биноан, 2022 йил 1 сентябрь ҳолатига Агентлик тизимидаги давлат архивларига Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Давлат хизматлари марказлари орқали 33 928 та мавзули сўровлар (тезлаштирилган тартибда – 3 794 та), 19 075 та яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлаш бўйича сўровлар келиб тушган бўлиб, шулардан, 27 784 та мавзули сўровлар (тезлаштирилган тартибда – 3 203 та), 15 857 та йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлаш бўйича сўровлар бажарилган ва фуқароларга тегишли маълумотномалар тақдим этилди.

Бугунги кунда, “Ўзархив” агентлигининг “Мавзули сўровларни ижро этиш” хизмати Ягона интерактив давлат хизматлари порталида оммабоп хизматлар рўйхатидан жой олган.

Шу билан бирга, қуйидаги камчиликлар мавжуд:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 20 сентябрдаги 23/7-533/8-сон тақдимномасига кўра, **Яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентининг** 15-бандида сўровномада сўралаётган ташкилотлар ҳужжатлари тегишли давлат архивида мавжуд бўлмаганда, сўровномани қабул қилган давлат архиви **бир иш куни** мобайнида тегишли маълумот сақланаётган давлат архивини аниқлаши (ташкилотлар ҳужжатлари бошқа архивда мавжуд бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно) ва сўровномани тегишлилиги бўйича давлат архивларига юбориши, тегишли давлат архиви сўровнома тушган вақтдан бошлаб йўқотилган меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни тасдиқлашга оид маълумотномалар учун **20 иш кунидан** ошмаган муддатда тегишли QR-кодли маълумотномани шакллантириши ҳамда тегишли давлат хизматлари марказига ёки ЙИДХП орқали электрон шаклда ариза

берувчига юбориши белгиланган бўлсада, ваколатли орган томонидан мазкур талабга риоя қилинмаган.

Мисол учун, фуқаро **Г.Жумаеванинг** 2022 йил 29 мартдаги 49106874-сонли аризаси белгиланган муддат **143 кун** кечиккан бўлишига қарамасдан ваколатли орган томонидан ўрганиш ўтказилган кунга қадар (15.09.2022 й.) ижрога қаратилмаган.

Бу каби ҳолатлар ваколатли орган томонидан яна **12 та** аризининг кўриб чиқилишида такрорланган.

Шунингдек, фуқаро **Н.Нормуротованинг** 2022 йил 16 февралдаги 46786057-сонли аризаси белгиланган муддатдан **70 кун** кечиктирилиб, 2022 йил 27 майда ваколатли орган томонидан архив маълумотномаси шакллантириб берилган.

Бу каби ҳолатлар Андижонда **16 та**, Тошкентда **9 та**, Наманганда **6 та**, Тошкент шаҳрида **6 та**, Бухорода **5 та**, Самарқандда **3 та**, Сурхондарёда **3 та**, Хоразмда **3 та**, Қашқадарёда **2 та**, Навоийда **1 та** ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида **9 та** аризани кўриб чиқилишида ҳам такрорланган.

Мавзули сўровларни ижро этиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти нинг 17-бандида сўровномада сўралаётган маълумотлар тегишли давлат архивида мавжуд бўлмаганда, сўровномани қабул қилган архив **2 иш кун**и мобайнида маълумот сақланаётган давлат архивини аниқлайди ва сўровномани тегишлилиги бўйича давлат архивларига юбориши, тегишли давлат архиви сўровнома тушган вақтдан бошлаб мавзули сўровнома бўйича **20 иш кундан** ошмаган муддатда тегишли QR-кодли маълумотномани шакллантириши ҳамда тегишли давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали электрон шаклда юбориши белгиланган бўлсада, ваколатли орган томонидан мазкур талабларга риоя қилинмаган.

Мисол учун, фуқаро **А.Ахмедовнинг** 2022 йил 17 майдаги 52192545-сонли аризаси белгиланган муддатдан **92 кун** кечиккан бўлишига қарамасдан, ваколатли орган томонидан ўрганиш кунига қадар (15.09.2022 й.) ижрога қаратилмаган.

Бу каби ҳолатлар ваколатли орган томонидан яна **11 та** аризининг кўриб чиқилишида такрорланган.

Бундан ташқари, фуқаро **Т.Асралованинг** 2022 йил 18 февралдаги 46885899-сонли аризаси белгиланган муддатдан **73 кун** кечиктирилиб, 2022 йил 6 июнда ваколатли орган томонидан архив маълумотномаси шакллантириб берилган.

Бу каби ҳолатлар Тошкентда **41 та**, Самарқандда **15 та**, Сурхондарёда **14 та**, Наманганда **11 та**, Хоразмда **9 та**, Навоийда **7 та**, Бухорода **6 та**, Жиззахда **1 та**, ҳамда Тошкент шаҳрида **4 та** аризани кўриб чиқилишида ҳам такрорланган.

Мавзули сўровларни ижро этиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентининг 11-бандида ариза берувчи томонидан давлат хизматини тезкор бажариш истаги билдирилса ва сўралаётган ҳужжатнинг аниқ маълумотлари кўрсатилган тақдирда (**ҳужжат номи, ҳужжатнинг мазмуни, қайси орган томонидан қабул қилинган, санаси ва рақами**), архивнинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда **икки иш кун**ида бажарилиб, мазкур Регламентга 3-иловада белгиланган нархларга **50 %** қўшимча ҳақ ундирилиши белгиланган.

Бирок, ваколатли орган томонидан мазкур давлат хизматини тезлаштирилган тартибда кўрсатилишида белгиланган муддатларга риюя қилинмаган.

Мисол учун, фуқаро **Д.Тиллабаевнинг** 2022 йил 14 июндаги 53969856-сонли аризаси тезлаштирилган тартибда кўриб чиқиш муддатидан **91 кун** кечиккан бўлишига қарамасдан, ваколатли орган томонидан ўрганиш кунига қадар (15.09.2022 й.) ижрога қаратилмаган.

Мазкур ҳолат фуқаро **У.Курязовнинг** 2022 йил 29 августдаги 59052023- сонли ҳамда А.Хатамовнинг 2022 йил 31 августдаги 59176650-сонли аризасини кўриб чиқилишида ҳам такрорланган.

Шунингдек, фуқаро **Д.Нуртдинованинг** 2022 йил 1 июлдаги 55173664-сонли аризаси тезлаштирилган тартибда кўриб чиқиш муддатидан **35 кун** кечиктирилиб, ваколатли орган томонидан 2022 йил 9 августда архив маълумотномаси шакллантириб берилган.

Мазкур ҳолатлар Тошкентда **120 та**, Хоразмда **49 та**, Самарқандда **26 та**, Андижонда **8 та**, Қашқадарёда **5 та**, Наманганда **1 та**, Бухорода **1 та**, Сурхондарёда **1 та**, Навоийда **1 та** ҳамда Тошкент шаҳрида **18 та** аризани кўриб чиқилишида ҳам такрорланган.

Юқорида аниқланган қонунчилик ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари ҳамда хато ва камчиликлар давлат хизматлари кўрсатилиши сифатининг пасайишига, шунингдек фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Кун тартибидаги масала бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида Агентлик Ҳайъати **қарор қилади**:

1. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиковнинг кун тартибидаги масала бўйича берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм, Тошкент шаҳар Архив иши худудий бошқармалари бошлиқлари:

кўрсатиб ўтилган қонунчилик ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини ва уларни содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этишингиз ҳамда уларни масъул ходимлар иштирокида муҳокама қилиб, келгусида йўл қўймаслик юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиласинлар;

ижрога қаратилмаган аризалар ижросини таъминласинлар;

Давлат хизматини кўрсатишда қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўлласинлар;

Амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни **жорий йилнинг 13 октябрь** кунига қадар Агентликка тақдим этсинлар.

Ш. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган Архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом ижросини мақсадли ўрганиш ҳақида

(У.М.Юсупов, Ж.Хушвақтов, Ш.Ф.Садиков, Х.Н.Исаев, Ш.Э.Хожибоев,
Д.Л.Кучарова, А.А.Маманазаров, У.М.Юсупов)

“Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиковнинг 2022 йил сентябрь ойида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган Архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини

амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом ижросини мақсадли ўрганиш тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

“Ўзархив” агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан жорий йилда 219 та вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимларида архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан давлат назорати ўтказилган. Ўтказилган давлат назорати текширишлари бўйича 185 та кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритилган.

Текширишларнинг 22 таси Агентлик томонидан, 197 таси архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан ўтказилган. Тошкент Фармацевтика институтида ва Жиззах вилояти давлат архивида ўтказилган текширишлар бўйича тўпланган материаллар ҳуқуқий баҳо бериш учун прокуратура органларига тақдим этилган.

Шунингдек, текшириш натижаларига кўра “Ўзархив” агентлиги томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215⁴-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган 5 нафар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Республика Ўлат профилактика маркази, Республика ихтисослаштирилган дерматология венерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази, Академик В.Вахидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг архив ишига масъул ходимларига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар расмийлаштириб тегишли суд органларига юборилган.

Вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимларида ўтказилган текширишлар давомида қуйидаги камчиликлар аниқланган:

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибига киритилган архив ҳужжатларини белгиланган муддатларда давлат архивларига топширмаслик, архив ҳужжатларининг қимматлилигини аниқлаш экспертизасидан ўтказмаслик, жумладан, архив рўйхатларини тузмаслик, ҳужжатларни тартибга келтирмасдан сақлаш ва архив хоналарига бўлган талабларга риоя этмаслик; иш юритиш қоидаларига риоя этмаслик, жумладан, иш юритиш йўриқномалари, йиғмажилдлар номенклатуралари ишлаб чиқилмаганлиги;

Архив иши ва иш юритишга масъулларнинг билим ва малакалари етишмаслиги ҳамда тегишли малака ошириш курсларида ўз малакаларини оширмаслик ҳолатлари.

Шунингдек, давлат архивлари томонидан 1073 та ташкилотлар ва корхоналарга архив иши ва иш юритиш бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатилган.

Текширишлар натижасида жорий йилда қуйидаги натижаларга эришилган:

ташкилот ва корхоналарда сақланаётган Миллий архив фондига киритилган идоравий архивларда вақтинча сақлаш муддати тугаган 155 минг сақлов бирлигидан зиёд архив ҳужжатлари тегишли давлат архивларига топширилган; ташкилотларнинг 135,7 минг с.б. бошқарув, 702 с.б. илмий-техника, 41,3 минг с.б. шахсий таркиб, 90,8 минг с.б. сақлаш муддати вақтинча бўлган ҳужжатлари архивлар томонидан шартнома асосида тартибга келтирилган;

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган Архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомида белгиланган ваколатлардан Архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги учрамоқда.

Хусусан, архив ҳужжатларини топшириш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг, шунингдек, архивлар ва идоравий архивлар томонидан хизмат кўрсатишнинг белгиланган тартибини бузганлик ҳолатлари аниқланганлиги ҳолатлари юзасидан барча Архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан бирорта ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар тузилмаган ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда суд органларига юбориш чоралари кўрилмаган.

Кун тартибидаги масала бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида Агентлик Ҳайъати **қарор қилади:**

1. “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосари Ш.Садиковнинг кун тартибидаги масала бўйича берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан ташкилотларда давлат назорати тадбирларини ўтказишда сустрасликка йўл қўйилганлиги камчилик сифатида кўрсатиб ўтилсин.

3. Ташкилот ва корхоналарда ўтказиладиган архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан давлат назорати тадбирларини ўрнатилган тартибда, шаффоф ва адолатли ўтказилиши, натижадорлиги учун Архив иши ҳудудий бошқармалар бошлиқлари шахсан жавобгар эканликлари бўйича огоҳлантирилсинлар.

4. “Ўзархив” агентлиги бўлим бошлиғи (Ш.Ҳожибоев), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари:

вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимларида ўтказилган текширишлар давомида аниқланган камчиликлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибига киритилган архив ҳужжатларини белгиланган муддатларда давлат архивларига топширмаслик, архив ҳужжатларининг қимматлилигини аниқлаш экспертизасидан ўтказмаслик, жумладан, архив рўйхатларини тузмаслик, ҳужжатларни тартибга келтирмасдан сақлаш ва архив хоналарига бўлган талабларга риоя этмаслик, иш юритиш қоидаларига риоя этмаслик, жумладан, иш юритиш йўриқномалари, йиғмажилдлар номенклатуралари ишлаб чиқилмаганлиги ҳолатлари келгусида ташкилотларда аниқланишини олдини олиш мақсадида давлат архивлари томонидан услубий ёрдам кўрсатилишини ташкил этсинлар;

ташкилот ва корхоналарда давлат назоратини амалга оширишда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 мартдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган Архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом талабларига қатъий риоя этсинлар.

5. “Ўзархив” агентлиги бўлим бошлиғи (Ш.Ҳожибоев) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги ҳузуридаги Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик марказида ташкил этилган “Архивларда давлат назорати ва ҳужжатлар ҳисобини юритиш” мавзуси бўйича

биринчи навбатда бошқарма бош мутахассислар малакасини ошириш юзасидан таклиф киритсин.

6. Ушбу Ҳайъат йиғилиши қарорлари ижроси юзасидан умумий назорат Агентлик директори ўринбосари (Ш.Садиков) зиммасига юклатилсин.

Ҳайъат аъзоси:

Ш.Садиков

Х.Исаев

Д.Кучарова

А.Маманазаров

Д.Закирова

Баённома тузувчи:

Ш.Ҳожибоев

**Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини
ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари юзасидан тасдиқланган
кўрсаткичларининг 2022 йил III чорак бўйича бажарилиши**

Т/р	Асосий мезонлар	Ўлчов бирлиги (кўрсаткич)	III чорак			Баҳолаш
			режа	амалда	фоизда	
1. Директор ўринбосари (Ш.Садиқов, архив ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари бўйича)						
1.	Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини Давлат ҳисоби. Қабул қилинган фондлар ва ҳужжатлар ҳисоби.	минг сақлов бирлиги	50	54,8	109,6	аъло
2.	Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларининг мавжудлиги ва ҳолатини текшириш.	минг сақлов бирлиги	80	85	106	аъло
3.	Миллий архив фонди ҳужжатларини идоравий сақловини ташкил этиш ва назорат қилиш.	минг сақлов бирлиги	50	52	104	аъло
4.	Давлат архивларида сақланаётган ҳужжатларнинг қимматлигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш.	минг сақлов бирлиги	25	27	108	аъло
5.	Ташкилот ва корхоналарда архив иши ва иш юритиш ҳолати устидан давлат назорат текширувини амалга ошириш.	ташкилот сони	50	50	100	аъло
6.	Давлат архивлари томонидан ташкилотлар ва корхоналарда архив иши ва иш юритиш бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш.	ташкилот сони	320	320	100	аъло
7.	Архивчи ва иш юритувчи кадрларни билим ва малакасини ошириш.	нафар	250	250	100	аъло

Т/р	Асосий мезонлар	Ўлчов бирлиги (кўрсаткич)	III чорак			Баҳолаш
			режа	амалда	фоизда	
8.	“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши.	та	10	10	100	аъло
Жами					103,4	аъло
2. Директор ўринбосари (Х.Исаев, ахборот технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича)						
1.	Миллий архив фондидаги алоҳида ҳужжатларни рақамлаштириш (электрон нусха олиш).	минг та	52,8	52,8	100	аъло
		минг кадр	3500	3529	100,8	аъло
2.	Бошқарув ҳужжатлари рўйхатларини рақамлаштириш (электрон нусха олиш).	та	500	502	100,4	аъло
3.	Давлат архивларида замонавий ахборот технологиялари қурилмалари билан таъминланиши.	та	13	13	100	аъло
4.	Архив ходимларини ахборот технологиялари йўналишида билим ва кўникмаларини ошириш.	нафар	35	36	102,9	аъло
5.	“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши.	та	4	4	100	аъло
Жами					100,7	аъло